

## ТАЪЛИМ ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Шодия Усмонқуловна Сайдалиева**

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти “Ижтимоий-гуманитар фанлар”  
кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жамият хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида таълим жараёни ғоясининг назарий ва услубий асослари баён этилган, шунингдек, таълимнинг хавфсизлик тизимидағи ўрни кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** таълим, ёшлар, хавфсизлик, жараён, ижтимоий институт.

### EDUCATION AS A FACTOR IN PUBLIC SAFETY

### ABSTRACT

The article outlines the theoretical and methodological foundations of the idea in the educational process as the main factor in ensuring the security of society, and also traces the role of education in the security system.

**Keywords:** education, youth, safety, process, social institution.

### КИРИШ

Замонавий жамият тизими бир қатор асосий қўйи тизимларни ўз ичига олади, улардан бири таълимдир. Ижтимоий-маданий жараёнлар ҳақида фикр юритиш давомида, таълимнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва ўрнини қайта кўриб чиқишимизга олиб келади. Зеро, таълим тизимининг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига таъсири, хусусан шахснинг иштимоийлашувидан бошлаб, миллат ва давлат тарихини белгилайдиган тараққиёт жараёнлари, жамият, миллий хавфсизликка таъсири ортиб бормоқда

Илмий адабиётларда "таълим" атамаси аниқ ва ягона тасниф берилмаган. Ҳар бир тадқиқотчи бу концепциянинг у ёки бу томонига эътибор қаратган ҳолда, ўз илмий муаммоси доирасида кўриб чиқади:

1. Инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида доимий ҳамроҳи бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида;
2. Мухим аҳамиятга эга бўлган қадрият (ижтимоий ва индивидуал);
3. Жамият ва давлатнинг ўз фуқароларига нисбатан функцияси ва шу

билин бирга фуқароларнинг ўз риводжланишига нисбатан функсияси сифатида;

4. Таълимнинг турли даражаларини ўз ичига олган мураккаб иерархик тизим сифатида;

5. Жамиятнинг нафақат таълим соҳасини, балки бошқа яқин соҳаларни - маданият, бўш вақт ва бошқаларни ҳам ўз ичига олаган ҳаётий фаолият соҳаси сифатида;

6. Ўқитувчи ва тарбиявий таъсир субъектининг ўзаро муносабатларига асосланган фаолият сифатида;

7. Билим олиш жараёни ва ўқув фаолиятининг натижаси сифатида. [1]

Халқаро хужжатларга, яъни "таълимнинг халқаро стандар таснифи (TXCT)" (UNESCO)га мурожаат қилиб, таълимни "ўрганишга қаратилган муайян мулоқот шаклини ўз ичига олган мақсадли фаолият" деб тушунамиз: [2]

- коммуникация: икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки жонсиз воситачининг ва ахборотни узатиш жараёнида иштирок этадиган одамларнинг ўзаро таъсири (хабарлар, ғоялар, билимлар, принциплар ва бошқалар.). Коммуникация вербал, новербалқ, бевосита, билвосита бўлиши мумкин ва турли хил воситалар ва алоқа каналларини жалб қилиш орқали амалга оширилиши мумкин;

- таълим: индивидуал билим олиш ёки тажриба, амалиёт, ўрганиш ёки ўқитишга асосланган маълумот, билим, тушуниш, муносабат, қадриятлар, кўникмалар, ваколатлар ёки хулқ-авторни модификациялаш;

- уюшган фаолият: тизимли ёки маълум бир кетма-кетликда аниқ ёки бевосита ифодаланган мақсадларга эришишнинг режалаштирилганлиги. Бунда таълим бериш ва ўқитиш усусларидан фойдаланиш учун шароит яратадиган, ўз доирасида коммуникацияни амалга оширадиган таъминловчи-муассасанинг мавжудлиги назарда тутилади;

- мақсадли: ўқув жараёни давомийлиги ва узлуксизлиги билан тавсифланади. [2]

Ўзбекистон Республикасининг "таълим тўғрисида" ги Қонунига асосан таълим деганда: «таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён». [3]

Ҳар иккала таъриф ҳам маълум мақсад учун ташкил этилган таълим ва тарбия жараёни ҳақида гапиради. Шу билан бирга, давлат позицияси таълим

жараёнидан ташқари, шахснинг эришган таълим даражасини ҳам белгилайди.

## **АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Социологик фан контекстида таълимга таърифлашнинг бошқа позициялар ҳам мавжуд. Масалан, таълим деганда маданий мазмун ва дунё билан ўзаро алоқа қилиш усулларини очиб берувчи ва ўзлаштирувчи жараён тушинилади, бунда инсон ҳаёти давомида дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиш усуллари билан танишиш жараёни, маданий жиҳатдан аниқланган позицияларга таянган ҳолда амалга оширилиши тушунилади. [4] Бошқа тушинчалар: таълим-маданият шахсининг шаклланиши; таълим-жамият ичидаги шахсни шакллантириш усулидир. [5]

Одатда, таълим қуидаги икки позиция асносида кўриб чиқилади. Биринчиси, шахс томонидан мустақил равишда ёки маҳсус ўкув юртларида ўқиши жараёнида эгалланган тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи сифатида. Бу шахснинг ижтимоий мавқеи кўрсаткичларидан бири, шунингдек, жамият ижтимоий тузилмасининг ўзгариши, такрорланиши омилларидан бири сифатида, шунингдек, ижтимоий тизимни ўз-ўзини ташкил этишнинг самарали механизмидир. Иккинчиси, таълим жамиятнинг турли соҳаларида шахсни тайёрлаш ва шу жумладан, уни шу жамият маданияти билан таништириш вазифаларини бажарувчи ижтимоий институт сифатида номоён бўлади. Э. Дюргейм учун таълим "ёш авлоднинг методик социализацияси" жараёни, шунингдек "жамият мавжудлиги шароитларини акс эттирувчи механизмдир". [6]

Э. Дюргейм таълим - мавжуд тажрибани авлоддан авлодга етказиб берувчи ижтимоий институт деб ҳисоблайди, бу жараёнда хукмон маданиятнинг қадриятлари узатилади ва ҳокимиятни қайта тиклаш амалга оширилади. [7] Шу билан бирга, таълимнинг асосий функцияларини эътироф этади: ўкув жараёнида ахлоқий қадриятлар мажмуини трансляция қилиш, касбий кўникмани ишлаб чиқиш, ижтимоий ўз-ўзини тартибга солиш қоидаларини ўзлаштириш билан бирга у ҳамжиҳатликни шакллантириш омили сифатида олий таълим функцияларига алоҳида эътибор қаратади. "Ҳар бир янги авлод билан жамият деярли "tabula rasa"-га юзланмоқда ва унга яна қайта ёзиш кераклиги намоён бўлмоқда. Янги туғилган худбин ва антисоциал мавжудотга, изчиллик билан ахлоқий ва ижтимоий ҳаётни бошқаришга қодир бўлганини бириктириш зарурати намоён бўлмоқда". [8]

Шуни таъкидлаш керакки, жараёнларни ва тузилмаларни авлоддан-авлодга етказиб беришдаги таълимнинг роли, унинг асосий функционал вазифаси сифатида олимлар томонидан эътироф этилади.

Илмий адабиётларда таъкидланишича, аслида инсоннинг барча фаолияти таълими бўлиб, таълим ҳаёт функцияси сифатида номоён бўлади. “Инсон ўз атрофидаги ташқи дунёни ўзгартиришга қодир бўлган, бутун тарихий жараён таълим сифатида, таълим эса жамият ичида шахсни шакллантириш усули сифатида қаралиши керак”. [9]

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Шундай қилиб, таълим тушунчаси бўйича олимларнинг позицияларини кўриб чиқиб, биз бу жараён ҳақида ўз қарашларимизни билдиришимиз мумкин, яъни таълим - инсоннинг ижтимоий ролини бажариши учун зарур бўлган ижтимоий ваколатли хулқ-авторни шакллантириш ва айни пайтда-инсонни маданият ва оммавий ижтимоий институтни ўз ичига олган соҳа. Бошқача қилиб айтганда, таълим ижтимоий институт бўлиб - иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий, шахсни ижтимоийлаштирувчи каби жамиятнинг асосий қўйи тизимлари билан ўзаро муносабатларга киришади.

Таълим моҳиятини, унинг мақсад ва вазифаларини инсон фаолиятининг таркибий қисми сифатида қабул қилиш, унинг жамиятни нафақат маънавий, балки миллий хавфсизлигини ҳам таъминлашда катта аҳмият касб этишини белгилайди. Бироқ, бугунги кунда жамият хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-маданий асослари ва айниқса, таълим хавфсизлиги муаммоси мамлакат учун жуда муҳимдир. 2020 йилдаги маълумотларга қўра, Ўзбекистон таълим тизимида 620 мингдан ортиқ хизматчи меҳнат қилган. Унинг турли босқичларида 6,6 млн. дан ортиқ таълим олувчилар таҳсил олган.[12] Агар бу рақамларга ота-оналарни қўшсак, аслида мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми ҳақида гапирган бўламиз. Шунинг учун ҳам таълим соҳасида кечеётган ижтимоий-маданий жараёнлар жамият хавфсизлигига сезиларли таъсир кўрсата олади деб айтишимиз мумкин.

Тор дидактик нуқтаи назардан ҳоли тарзда фикр юритсан, таълим маданиятни трансляция қилиш жараёнидир. Маданият эса, ўз навбатида таълим махсусидир. Замонавий шароитда таълим тизими замонавий оммавий ахборот воситалари каналлари орқали кириб келувчи шиддатли ва ҳар доим ҳам ижобий бўлмаган ахборот оқимлари фонида шахснинг маънавий асосларини

шакллантирадиган давлатнинг ягона институти бўлиб қолмоқда. Р.Г. Абдулатиповнинг фикрига кўра “бутун дунёда маданият, фалсафа ва мантиққа нисбатан берпарволикни, инсон ва жамият ҳаётидан маданият, фалсафа ва мантиқнинг сиқиб чиқарилишини кузатаяпмиз” [10] деган илмий фаразлар ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шунинг учун жамият хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-маданий асосларини ўрганишни таълим тизимидан бошлаш керак. “Таълимга нафақат билимларни трансляция қилиш воситаси сифатида, балки билимларни ишлаб чиқариш манбаи сифатида ҳам қараш керак. Таълим илм-фанга эргашади, деб ўйлаш нотўғри, ҳар қалай у олдинда бўлмаса, у билан параллел равиша кетади”. [11]

Олиб борилаётган илмий тадқиқотлардан шуни хulosса қилиш мумкинки, таълимнинг умуман жамият ва айниқса ёшлар хавфсизлиги тизимидағи ўрни ва ролини таҳлил қилиб, илмий ютуқлар ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқаришнинг техник воситаларини ривожлантиришнинг табиий натижасига асосланган меҳнат техник воситаларида туб ўзгаришларга олиб келади ва бу ўз навбатида жамиятнинг ҳам маънавий, ҳам миллий хавфсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашига таъсир қиласи. Бу ҳар қандай социумда ёшлар жамият ривожининг келажаги эганлигидан далолат беради.

Бугунги кун жамиятимиз ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш мумкинки, у ёшларнинг муайян таълим даражасига эришиллари учун турли имкониятларни белгилаб берувчи, кейинчалик уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатига таъсир этувчи ижтимоий ҳилма хилликка асосланган жамият наъмунасидар. Таълим ҳар доим ижтимоий ҳаракатланишнинг энг муҳим омили бўлиб келган ва қолмоқда, шунинг учун ёшларнинг таълим ҳолати нафақат уларнинг ижтимоий ривожланишининг муҳим мезони, балки жамиятнинг хавфсизлиги ва тажовузларга қарши туришнинг йўлларидан биридир, яъни таълим ёш авлоднинг хавфсиз ривожланишини таъминлаш омилидир.

## ХУЛОСА

Демак, юқоридагиларга асосланиб, хулосага шуни ҳам қўшиш мумкинки, замонавий шароитда таълимнинг ўрни ва роли ўзгариши керак, ёшлар ўзгарувчан шароитларда ижтимоий мослашишга имкон берадиган билимга муҳтож. Шундай қилиб, таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодга билимларни етказиш ва тўплаш эмас, балки уларнинг индивидуал

структурасида намоён бўлувчи янги билим манбайдир.

## REFERENCES

1. Крухмалева О. В. Современные тенденции в получении образовательных услуг // Социс. 2001. № 9. С.83-88.
2. Международная стандартная классификация образования (МСКО): утв. 5 октября 2011 г. на 36 сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО. М., 20011., п.12. С. 3.
3. Закон об образовании Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года № ЗРУ-637.
4. Гричаникова И. А. Новые ориентиры инженерного образования // Диагностика и прогнозирование социальных процессов: сб. науч. трудов БГТУ. Белгород, 2003. Вып. 6. С. 33-37.
5. Бондаревская Е. В. Гуманистическая парадигма личностно-ориентированного образования // Педагогика. 1997. № 4. С. 24-31.
6. Дюркгейм Э. Социология образования. М., 1996. С. 126.
7. Дюркгейм Э. Социология и теория познания. М., 1990 С. 320.
8. Дюркгейм Э. Ценностные и реальные суждения // Социс. 1991. № 2. С. 18.
9. Саймон Б. Общество и образование. М., 1989. С.7.
10. Абдулатипов, Р.Г. Воля к смерти (философия кризиса глобального человека) [Текст] / Р.Г. Абду- латипов. – М.: Классика Стиль, 2007. – 191 с.
11. Культурология как наука: за и против: «круглый стол», Москва, 13 февраля 2008 г. [Текст] / науч. ред.: А.А. Гусейнов, А.С. Запесоцкий; Санкт-Петербургский гуманит. ун-т профсоюзов. – СПб. : Изд-во СПбГУП, 2009.
12. <https://www.edu.uz/ru/pages/sss>; <https://www.uzedu.uz/ru/statistika>